

Xabar

3
(1009)-son

20-yanvar

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

"Халқаро почта" филиали:

ЯНГИ технологиялар билан манзилар сари




"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ "Халқаро почта" филиали республикамізга кирувчи ва чиқувчи халқаро хат-хабарлар, даврий матбуот нашрлари ва жўнатмаларни саралаш ва уларни ташиш ишларини тасдиқланган маршрут йўналишлари асосида Тошкент — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари — Тошкент йўналишлари орқали дам олиш кунисиз, кечаю кундуз почта алмашинуви ни амалга оширадиган ягона корхона ҳисобланади. Мухбиримиз билан суҳбатда филиал директорининг ўринбосари Зоҳид Қосимов янги технологиялар, почта хавфсизлиги, ходимлар малакасини ошириш каби масалалар бўйича фикрлари билан ўртоқлашди.

11-бет

Сўнги янгилик!

IBM корпорацияси олимлари, беш йиллик уринишлар самараси ўларок, бир байт рақамли ахборотни сақлаш учун қўлланиладиган атомлар сонини сезиларли равишда камайтиришга эришишди. Таъкидланишича, ҳозиргача қурилмаларда бир байт ахборотни сақлаш учун 1 млн. атрофидаги атомдан фойдаланиб келинган, IBM таклиф этаятган янги технологияга кўра, энди 1 байт учун 12та атом кифоя, холос.

Келгусида мазкур технология ёрдамида ҳозиргидан ўн минг мартагача ҳажмдор каттик дисклар ва SSD-сақлагичлар чиқариш мумкин бўлади.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

2012 йил иш режаси	2
Муносиб тақдирландилар	3
Полароиднинг қайтиши	4
700 млн. сум направи "Билайн" На благотворительные цели в 2011 году	6
Интернет ва замонавий ҳаёт	12
Меҳнат ва бахт нашидаси	13

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Umadan umagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан химоячиларига байрам табриги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан химоячилари кўни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазириликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони чоп этилди.

Навоий шаҳрида Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида Юрбощимизнинг ушбу китобда мустақиллигимизнинг қўлга киритилиши тарихи билан боғлиқ муҳим воқеалар ҳақида ишончли маълумотлар жамлангани, жумладан, истиклолга эришиш жараёнида Президентимиз кўрсатган жасорат ва матонат акс этгани алоҳида таъкидланди.

Республика болалар кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирилик билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари ўқувчилари, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун китобхоналик байрами ўтказилди. Тадбирда ўғил-қизларга кутубхонанинг фонди, веб-сайти, имкониятлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Болалар учун наشر қилинган китоблардан кўرғазма ташкил этилди.

Фаргона шаҳрида оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ролини мустаҳкамлашга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Яқинда Жиззах шаҳрининг "Ўратепалик" маҳалласида бўлиб ўтган семинарда мазкур маҳаллада маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбияни яхшилашда тўпланган тажриба ўрганилди. Тадбирда 2012 йил Мустаҳкам онла йили деб эълон қилиниши муносабати билан хотин-қизлар бошланғич ташкилотлари масъулиятини янада ошириш, аёллар ва ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларни янада яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Берлин минтакавий 4-сайёҳлик ярмаркаси доирасида Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур тадбир мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси томонидан "Worlitz Tourist" сайёҳлик компанияси кўмагида ташкил этилди. Тадбирда ўзбек халқининг тарихи, маданияти ҳамда анъаналари, юртимизнинг қадимий шаҳарлари, меъморий ёдгорликлари, диккатга сазовор сайёҳлик масканлари, шунингдек, Ўзбекистонда мазмунли хордиқ чикаришининг кенг имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар қатнашчилар эътиборига ҳавола қилинди.

2012 йил иш режаси

Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг (ЎзР РЧДК) навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Йиғилиш чоғида комиссиянинг 2011 йил иш фаолиятига яқун ясалди ва муҳокама қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида белгиланган вазифалар ҳамда ЎзР РЧДК функцияларига мувофиқ Комиссиянинг 2012 йилги иш режаси кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Ўтган йил мобайнида Комиссия томонидан радиочастота спектрдан фойдаланувчиларига радиочастота полосаларини (номиналларини) ажратиш, шу жумладан, LTE (Long Term Evolution) энг янги технологияларини ривожлантириш, радиочастота спектрдан фойдаланиш, руҳсат берувчи процедураларни соддалаштириш, республика радиочастота бириктиришларини халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича белгиланган тартибда қарорлар қабул қилинди.

Республика радиочастота органларининг радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурilmаларнинг ҳалақитларсиз ишлашини таъминлаш ҳамда радиочастота бириктиришларни мувофиқлаштириш бўйича ҳамкорликда амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот тингланди.

Ҳисобот маърузасида "2010-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли телевизион эшитиришга ўтиш частота-хуқуд режаси" чора-тадбирларига асосан республика рақамли телеэшитиришини жорий этиш ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этилди. 2011 йилда Тошкент,

Нукус, Урганч, Андижон ва Одаттошда (Қашқадарё) 5та узатгич фойдаланишга туширилганлиги таъкидланди. Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизнинг 7та ҳудудида — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 10та рақамли телевизион эшитириш узатгичлари ишламоқда.

Йиғилишга жорий йилнинг январ-феврал ойларида бўлиб ўтадиган 2012 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясига (БРК-12) Ўзбекистон Республикаси алоқа маъмуриятининг тайёргарлиги, конференция чоғида республика алоқа маъмуриятининг БРК-12 кун тартиби бандлари бўйича республика позициясини муҳофаза қилиш бўйича вазифалари, республика мутахассисларининг Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик ва Халқаро электралоқа иттифоқи иш фаолиятида иштироки тўғрисида ахборот тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялар масалалари бўйича қўмитаси режасига асосан Хоразм вилоятида

Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастота спектри тўғрисида"ги қонуни ижроси ва амалий жорий этиш ҳолатини ўрганиш бўйича назорат-таҳлилий ишлар тўғрисидаги ахборот тингланди.

Ўтказилган ўрганиш фуқароларнинг ахборотдан фойдаланишини кафолатловчи конституцион нормаларни сўзсиз ижро этиш бўйича зарур шароитлар яратиш, ахборот соҳасида фуқаролик институтлари фаолиятини янада ривожлантириш, ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини ошириш, ахборот соҳаси қонунчилигини такомиллаштиришга доир тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан "Ўзбекистон Республикасида радиочастота спектрдан фойдаланиш концепцияси"нинг янги таҳрири кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Комиссия йиғилишида радиочастота бириктиришларнинг Миллий маълумотлар базасини яратиш ва уни шакллантириш ҳолати ҳақидаги масаласи кўриб чиқилди.

Шунингдек, ЎзР РЧДКнинг радиоэлектрон воситаларни олиб кириш ва республика ҳудудида фойдаланиш тўғрисида қабул қилган қарорларига асосан ажратилган частоталар полосасида радиочастота спектрдан фойдаланувчилар томонидан олиб борилаётган тажриба ишларининг бориши ва радиочастота спектрдан фойдаланиш бўйича қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди, улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

ЎНАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

ТАТУда АСА институтининг ўқув ва маслаҳат маркази очилди

Нью-Йорк шаҳрида жойлашган АСА институти Тошкент ахборот технологиялари университети билан таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш таклифини билдирган эди.

2010 йил декабр ойида АСА институти билан Таълим соҳасида ўзаро ҳамкорлик Шартномаси имзоланди. Ушбу шартномада Ўзбекистон талабаларининг маҳаллий дипломларига қўшимча равишда АСА институтининг даражали дастурларига эга бўлишларида кўмаклашиш ва маслаҳат бериши амалга ошириш мақсадида ТАТУ қошида Таълим ва маслаҳат марказини ташкил этиш, ушбу марказни АСА институти томонидан компютер ва телекоммуникация жи-

ҳозлари билан таъминлаш масалалари кўзда тутилганлиги.

Шартномада кўзланган максдаларни амалга ошириш юзасидан музокаралар олиб борилди. Университет биносидан марказ учун жой ажратилди, таъмирдан чиқарилди. АСА институти томонидан компютер ва телекоммуникация жиҳозлари билан таъминланди ва "ТАТУ-АСА ўқув-маслаҳат маркази" ташкил этилди. Ушбу марказда АСАнинг қисқа муддатли ва интенсиф

курсларини йўлга қўйиш, профессор-ўқитувчи ва талабалар алмашинувини ва бошқа манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш каби масалалар режалаштирилган.

Ўтган ҳафтада Тошкент ахборот технологиялари университети катта мажлислар залида АҚШнинг АСА институти билан Таълим соҳасида ўзаро ҳамкорлик Шартномаси доирасида "ТАТУ-АСА ўқув-маслаҳат маркази"нинг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирда АСА институти раҳбариятидан ташкил топган делегация, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этдилар.

Tuit.uz

Маълумот ўрнида:

АСА институти юқори даражали касб йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш дастурини йўлга қўйиш учун 1985 йили ташкил этилган. Унда ўқитиш тизими ахборот технологиялари, компютерда дастурлаш, тармоқни бошқариш ва хавфсизлигини таъминлаш, бизнес бошқаруви, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари йўналишлари бўйича таълим тайёрлови, касбий тайёрлов ва амалиёт тажрибалари асосида олиб борилади.

Муносиб тақдирландилар

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да Ватан химоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Маросимнинг очилиш қисмида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан химоячиларига байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Мухитдинов ҳамда Ўзбекистон Республикаси фавқуллода вазиятлар вазири



Т.Худойбергеновлар йиғилганларни табриклаш учун сўзга чиқдилар. Таъкидландики, миллий армиямизни алоқачи ҳарбийларсиз, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан мохирона фойдалана оладиган мутахассисларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу са-

бадан ҳам биргина ушбу ҳарбий қисмдан икки нафар офицер давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ кўрилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан химоячилари куни нишонланиши муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқуллода ҳолатлар вазирликларининг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан, Махсус авария-тиклаш бошқармаси мобил алоқа воситалари алоҳида маркази тезкор алоқа комплекс радиостанция бошлиғи Николай Дряглин "Содик хизматлари учун" медали ҳамда 2-сон авария-тиклаш ишлари бошқармаси бошлигининг қурол-аслаҳа бўйича ўринбосари Ғулможон Ризоев "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Йиғилишда давлатимизнинг ушбу юксак унвонлари ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Бир гуруҳ офицер ва хизматчилар "Ўзбекистон

Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишонлари билан ҳам тақдирландилар.

Шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги буйруғига кўра, бир гуруҳ офицерларга Агентлигининг Фахрий ёрлиғи ва "Ўз касбининг устаси" белгиси топширилди.

Ватан химоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишланган тадбирлар Давлат фелдъегерлик хизмати ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факултетида ҳам ташкил этилди. Президентимиз Фармонига кўра, тақдирланганлар орасида Давлат фелдъегерлик хизмати бўлим бошлигининг ўринбосари Абдувоҳид Талибов ҳам бор. У "Шуҳрат" медали соҳиби бўлди. Тадбирларда бир гуруҳ хизматчиларга "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишони ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фахрий ёрлиғи топширилди.

Лутфилло ТУРСУНОВ



Ватан улуғлайди ўғлонларини

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ҳамда филиал цех касаба уюшмаси кўмитаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 20 йиллиги ҳамда Ватан химоячилари куни муносабати билан "Ватан улуғлайди ўғлонларини" мавзуда тадбир бўлиб ўтди. Унда филиал ходимлари, Қарши почта ишлаб чиқариш участкаси ва алоқа бўлимлари бошлиқлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан фахрий алоқа ходими Солих Хафизов, филиал бош ҳисобчиси ўринбосари Болжон Юсупова, бўлим бошлиғи Махбуба Сатторова ва бошқалар мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилаётган ҳарбийлар ва уларнинг оилаларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар, миллий армиямиз бениҳоя мураккаб ва шон-шарафларга тўлиқ шаклланиш йўлларини босиб ўтганлиги, барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз Қуролли Кучларида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилаётганлиги, халқаро андозаларга мос олий ҳарбий таълим масканлари, сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилганлиги, миллий армиямизни малакали кадрлар билан таъминлаш масаласининг юксак савияда ҳал этилишига замин яратилганлиги тўғрисида гапирдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

"Ўзбектелеком" АҚнинг Бухоро филиалида Ватан химоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишланган "Балли, йигитлар!" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Балли, йигитлар!

Унда филиалнинг бир гуруҳ ёш муҳандислари ўз билим ва маҳоратларини синаб кўрдилар. Танлов шартларига мувофиқ иштирокчилар ўз таржимаи ҳолларини айтиб келгусидаги режалари билан ўртоқлашдилар. Алоқа соҳаси, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаёти билан боғлиқ кўплаб саволларга атрофлича жавоб бериб, сиёсий дунёқарашлари ҳам давр талаблари даражасида эканлигини намён этдилар. Эркин мавзу доирасидаги бахслар ҳам қизиқарли кечди. Ҳарбий хизмат давомида йигитлар ҳаётида рўй берадиган қизиқарли воқеа-ҳодисалар, қулгули ҳолатларни ўзида мужассам этган турфа хангомалардан лавҳалар ҳеч қимни эътиборсиз қолдирмади.

Бундан ташқари, кўрик-танлов доирасида ўтказилган бир қатор спорт беллашувларида ҳам ёш муҳандислар нафақат ўз мута-

хассисликлари бўйича, балки жисмоний жиҳатдан баркамолликка эришишда ҳам муайян натижаларни қўлга киритаётганликларини исботлай билдилар. Кўрик-танлов якуний қисмида она юрт мадҳи, ўғлонлар шижоатини ўзида акс эттириб янграган тантанавор кўшиқ барчага хушнудлик ва кўтаринки кайфият бахш этди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига мувофиқ фахрли 1-ўрин филиал муҳандиси Маъруф Тошевга насиб этди. 2- ва 3-ўринлардан эса Азиз Жумаев ҳамда Хуршид Қодировлар жой олишди. Уларга ҳамда кўрик-танловда иштирок этган Алишер Жумаев, Нодир Шаропов, Фаррух Раббиевларга филиал касаба уюшмаси кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Аскар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг
Бухоро вилоятидаги мухбири



2011 йилда PAYNET дастурий-аппаратли комплексини янгилаш

босқичи бошланди, ушбу ишлар доирасида мавжудларини алмаштириш ва захира серверлар ҳамда маълумотлар базасини яратиш учун энг янги қудратли серверлар сотиб олинди. Янгиланиши ҳисобига, серверларнинг ўтказиш қуввати 100 фоизга ошди. Ўтган йилнинг июл ойида PAYNET Flagship desktop-иловаси яратилди ва муваффақиятли ишга туширилди. Тахминан 80 фоиз агентлар тўловларни қабул қилишда айнан мана шу иловадан фойдаланишмоқда, у интернет-трафикни тежашга, дарҳол компания янгиликларини олишга, онлайн тартибда ҳисоботларни кўздан кечириш ва бошқа кўплаб ишларни бажаришга имкон беради. ПАК PAYNET модернизациялашни яқунлаш босқичи 2012 йилнинг иккинчи чорагига мўлжалланган.

ФАКТ

Xalqaro haqot

АҚШ. Жанубий Корея ва Япония Шимол-Корея ядро муаммоси бўйича олти томонлама янги музокараларга ишонч билан қарамокда. Бу ҳақда АҚШ давлат департаменти билдиришномасида қайд этилган. "Биз Шимол-Корея учун АҚШ, Япония ва Корея Республикаси билан муносабатларни яхшилаш ва музокараларни янгилашга йўл очишга рози бўлдик", дейилади мазкур ҳужжатда.

Бундан ташқари, давлат департаменти ушбу муаммо бўйича Россия ва Хитой билан ҳамкорлик қилишга тайёргарликни ҳам эслатиб ўтган.

МОСКВА метрополитенида мумтоз композициялар асарлари янграйдиган бўлди. Метро матбуот хизматининг маълум қилишича, йўловчилар энди эскалаторлардан чиқишда ва тушишда Бетховен, Чайковский, Моцарт, Огинский ва Оффенбах мусикаларидан баҳраманд бўладилар.

Шунингдек, метро маъмурияти турли байрамларда йўловчиларни табриклашни ва уларга муҳим тарихий воқеалар, масалан, Ленинград қамалининг тутатилишини эслатишни режалаштирмоқда.

КАНАДАда Россия фойдасига айбқчиликда айбланиб қўлга олинган харбий денгиз хизмати офицери Жеффри Пол Делаил устидан суд бошланди. Бу шахсга 2007 йилнинг июлидан хорижий давлатга махфий маълумотларни етказиб бериш айби қўйилмоқда. Ушбу хорижий мамлакат Россиядир.

Ҳукумат иш материаллари махфийлиги юқори даражада бўлгани боис офицер иш-тироқдаги суд жараёни ҳақидаги маълумотларни чоп этишни тақиқлаб қўйди. Агар офицер Делаилнинг айби исботланса, у умрбод қамал жазосига ҳукм қилинади. Россия эса айбқчилик ҳақидаги ушбу хабарга ҳеч қандай изох бергани йўқ.

НИДЕРЛАНДИЯда янги халқаро трибунал очилди. Штаб-квартираси Гаагадаги Тинчлик саройида жойлашган трибунал мураккаб молиявий тортишувларни ҳал этиш вазифасини амалга оширишни режалаштирилган.

Хабарларда айтилишича, PRIME Finance деб номланган мазкур суд ташкилотининг асосий вазифалари давлатлар, минтақавий ҳукуматлар ва хусусий компаниялар ўртасидаги молиявий бахсларни тартибга солишдан иборатдир. Трибунал ишига бутун дунё бўйича аралашшга қодир юзга яқин экспертлар жалб этилади.

МИЛЛИАРДЕР Михаил Прохоров Россия ҳудудлари сонини ўттизтагача камайтириш керак, деб ҳисобламоқда. "Мен референдум ўтказган ва ҳудудлар сонини 30тагача камайтирган бўлардим. Ҳудудлар сонининг 83та бўлиши бугунги кунда жуда ҳам қўнғир", — деган у. Прохоровнинг фикрича, РФ субъектлари сонини камайтириш мобил тузилмага қўпроқ эришиш имконини беради.

ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ раислигига Германиядан социал-демократ Мартин Шульц сайланди. Шульц номзодини 387 киши қўллаб-қувватлади. У сайловнинг биринчи босқичидаёқ икки рақобатчиси — британиялик конун чиқарувчилар Нирж Дев ва Диан Уоллесларни орда қолдирди.

Шульц бор эътиборини евроинтеграцияни кучайтиришга ва молиявий таназзулга қарши курашишга йўналтирилган улкан сиёсий қарорлар қабул қилишга қаратмоқчи.

Интернет материаллари асосида тайёрланди



Ўтган асрнинг 90-йилларида лхазлик фотосуратлари билан жаҳон бозорларини эгаллаган Polaroid компаниясини яхши биласиз. Рақамли технологиялар кучайиши билан полароидларнинг жойи фақат музейларда бўлиб қолганди.

Полароиднинг қайтиши

"Оққан дарё оқаверади" — замон талабини яхши ўрганган Polaroid ўз нуфузини, бозордаги ўрнини қайтариш учун астойдил ҳаракат қилаётганига мисол сифатида яқинда бутунлай янгича қурилмасини тақдим этди.

Polaroid SC1630 Smart Camera — Android амалиёт тизмида ишловчи 16 мегапикселли биринчи фотокамера. Фотокамерага 3,2 дюймли сенсор экран ўрнатилган, олинган суратларни интернетга жойлаштириш учун WiFi симсиз технологияси қўлланган. Бунга қўшимча сифатида 3 карралик

оптик зум (яқинлаштириш) ва 5 карралик рақамли зумни ҳам келтириш мумкин.

Дикқатга сазовор томони, камера фойдаланувчига Android Marketдан дастурлар кўчириб олиш имконини беради, қолаверса, Skype дастурий таъминотини ўрнатиб, овозли мулоқот учун микрофон ва динамикдан фойдаланса бўлади.

Албатта, фотоаппарат профессионаллар учун мўлжалланмаган, аммо у худди бир пайтлардаги каби аҳоли ўртасида катта кизиқиш уйғотиши эҳтимолдан холи эмас.

АТ-хабарлар

АҚШда тармоқда қароқчиликка қарши қонун лойиҳаси — SOPA (Stop Online Piracy Act) кўриб чиқилипти. Бу бир қатор технология компанияларининг норозилигига сабаб бўлди. Хуусан, улар орасида Google, Wikipedia сингари таниқли номларни ҳам учратиш мумкин.

Американинг йирик овоз ёзиш ва киносоноат ташкилотлари, жумладан, RIAA (Recording Industry Association of America) ва MPAA (Motion Picture Association of America) томонидан илгари сурилаган SOPA қонун лойиҳасида ҳар қандай турдаги лицензияланмаган контент тарқалаётган (гарчи бу сервис хўжайини контент тарқалишига дахлдор бўлмаса-да) интернет-ресурсни тармоқдан узиб қўйиш кўзда тутилмоқда.

Хитойда интернетдан фойдаланувчилар 513 млн. кишига етди. Бунда аҳоли кўпроқ мобил қурилмалардан фойдаланаётгани катта рол ўйнаётгани мамлакат Тармоқ ахборотлари маркази (CNNIC) ҳисоботида келтирилади.

Ўз-ўзидан Чин мамлакатидоги интернет-компанияларнинг молиявий кўрсаткичлари ошгандан-ошмоқда.

Тайваннинг Digitimes интернет-нашри хабар тарқатишича, 2012 йили осийлик мобил қурилма компаниялари жаҳон бозорига 25-30 млн.та атрофида LTE алоқа технологиясини қўлловчи аппаратларни чиқаришади — бу шу йили савдода бўладиган смартфонларнинг 4-5 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, нашрада келтирилишича, йил охирига бориб тахминан 50та йирик мобил алоқа оператори LTE стандартидаги тармоқларни ишга туширишади.

Микрочипплар соҳасида жаҳонда иккинчи компания — Samsung Electronics Канаданинг смартфонлар ишлаб чиқарувчиси — Research in Motion (RIM)ни сотиб олиши ҳақидаги

миш-мишларни инкор этди. Шов-шувларга Boy Genius Report нашрида RIMни сотиб олиш учун корейлар астойдил ҳаракат қилаётгани-ю, канадаликларнинг компания учун кўп сўрашаётгани ва бошқабошқа тафсилотларга бағишланган мақола сабаб бўлганди.

"Шамол бўлмаса дарахнинг учи кимирламайди" — бу айни ҳақиқат. Бирок "шамол" бўлмаса-да, RIMнинг акциялари 8 фоизга қимматлашгани бор гап...

2015 йилга бориб жаҳонда мобил кенг полосали улашиллар 5 млрд. фойдаланувчиси қамраб олади. Бу ҳақда Швециянинг Ericsson компанияси бош директори Ханс Вестберг CES 2012 кўргазмасида маълумот бериб ўтди. Унинг айтишича, бу борада LTE тармоқларнинг ривожига катта рол ўйнайди.

Ҳозирги кунда жаҳонда ишлатилаётган мобил қурилмалар сонини 6 млрд.дан ошади, бироқ уларнинг фақат 1 млрд.таси кенг полосали тармоқларга уланган.

IBM корпорациясининг Европада жойлашган 27та дата-марказига Европа комиссиясининг European Union (EU) Code of Conduct for Data Centers — энергия самардорлиги стандартларига мувофиқлик сертификати топирилди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур ҳужжат электр энергиясига талаб ошиб бораётган шароитда ўз дата-марказларида энергиядан оқилона ва тежамкор фойдаланувчи компанияларга топирилади.

Жерри Янг Yahooни тарк этди

Жерри Янг орадан 17 йил ўтиб ўзи Девид Фило билан асос солган Yahoo компаниясидан кетишга узи-қилиб қарор қилди: амалиётлар бошқармаси, директорлар кенгаши, қолаверса, Yahoo Япон директорлар кенгашини у бутунлай тарк этади.

Сўнги ҳафталарда 43 ёшли Янг "Yahooдаги кўп сонли роллари" учун жуда оғир босим остида қолганди: компания асосчиларидан бири, директор, қолаверса, йирик акциялар эгаси. Баъзи бир сармоядорларнинг фикрига кўра, бундай серккирра фаолият Янгга турли манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариб, унинг самарали иш юритишига имкон бермайди.

Янгни кетиши компанияга Скотт Томпсоннинг раҳбар бўлиб келиши билан бир пайтга тўғри келди.

Шунингдек, Yahoo директорлар кенгаши раиси Рой Босток ҳам ишсиз қолди. Бунга компаниянинг 5,3 фоиз акцияларини назорат қилиб турган Third Point LLC Нью-Йорк инвестиция компаниясининг бозордаги паст кўрсаткичлар сабабчилари дея Босток ва ҳозирги кенгаш аъзоларини айблагани ва истафода талаб қилгани сабаб бўлган.



Pinar Ozger

Эътиборли томони, Янг кетиши билан компания акциялари баҳоси 3,6 фоизга қимматлашган.

Ноқонуний ҳаракатларга

чек қўйилди

Ўтган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тадбиркорларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, фаолият юритишлари учун қулай муҳит яратиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Қашқадарё вилоят ҳудудий комиссияси аъзолари ва назорат органлари раҳбарлари вилоят ҳудудларига бириктирилиб, амалга оширилиши керак бўлган вазифалар белгилаб олинган эди.

Барча назорат органлари раҳбарларига асосий эътиборни тадбиркорликни ривожлантиришга тўққинлик қилмай, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашмай ва бўлар-бўлмас тадбирлар билан овора қилмай, балки уларга ҳар томонлама амалий ёрдам бериш қўламини кенгайтиришга қаратиш юкланганди. Натيجада тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Уларнинг манфаатини ҳимоялаш учун бир катор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Бирок, яратилётган қулай шарт-шароитларга қарамай, 2011 йилда ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар давомида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этмаслик ҳолатлари маълум бўлди. Ўтган йилда лицензиясиз фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш бўйича ваколатли органлар билан ўтказилган рейдлар натижасида Қашқадарё вилоят Маърифат кўчаси, 64-уйда яшовчи фуқаро Салоҳиддин Муродалиевнинг лицензиясиз хизмат кўрсатиш фаолияти (интернет) билан шуғулланиши аниқланди. Лицензия оли-

ниши шарт бўлган фаолият билан махсус руҳсатнома олмадан, ўзининг бу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси МЖТК 165-моддасида кўрсатилган қонунбузарлик ҳаракатини содир этган. Шунингдек, у "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-модда, 1-қисми, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низоининг 3-бандида кўрсатилган талабларни ҳам бузган. Ушбу ҳолат юзасидан Қашқадарё вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан тайёрланган ҳужжатлар тўплами Қашқадарё тумани жиноят ишлари бўйича судига тақдим этилди ва қонунбузарга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Қашқадарё вилояти ҳудуд

дида радиочастота спектри, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича ҳам ваколатли органлар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилиб борилмоқда. Ушбу тадбирлар натижаларига кўра, вилоят бўйича етти нафар жисмоний ва бир нафар юридик шахс сифатида фаолият юритаётган субъектлар радиоэлектрон воситалардан ноқонуний фойдаланаётгани аниқланиб, уларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 152-модда, 1-қисмига асосан маъмурий жаза чоралари қўлланилди ва жаримага тортилди.

Қўшма рейдлар жараёнида қонунбузарликларга йўл қўйган фуқаролар ўзларининг бу хатти-ҳаракатларини тан олгиси келмай, айримлари бу ҳолатларни кизиқишлари ёхуд билиб-билмай қўлбола радио-

электрон воситалардан фойдаланишга тўққинликларини вақт килиб кўрсатадилар. Вақт оланки, улар ҳаётнинг оқу қорасини яхши билган, умрларининг 35-50 ёшини қарши олган кишилар бўлиб, айримлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида озми-кўпми меҳнат қилганлардан. Қолаверса, вақтли матбуот нашрлари орқали радиоэлектрон воситалар ҳамда юқори частотали қурилмаларни олиб кириш, улардан фойдаланиш тартиблари тўғрисида такрор-такрор чиқишлар қилиниб, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида жойларда, хусусан, ОАВ орқали кенг тушунтиришлар бериб келинмоқда.


Вилоят Давлат алоқа инспекциясида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кўрсатилаётган алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида ташкил этилган "Ишонч телефони" хизматида 2011 йил давомида жами 32та мурожаат кайд этилиб, шундан 14таси "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали устидан бўлиб, 7таси корхона айби билан, 11таси "ЎЗИ-Қарши" филиали бўйича бўлиб, шундан 10таси корхона айби билан, 6таси "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали бўйича хат-хабарлар ва газета-журналларнинг ўз вақтида етказилмаган-

лиги хусусида бўлиб, учтаси корхона айби билан эканлиги, "Матбуот тарқатувчи" ШК томонидан газета-журналларнинг ўз вақтида олмаганлиги тўғрисидаги битта мурожаат ҳам корхонанинг айби билан эканлиги ўз исботини топди.

"Ишонч телефони" хизматига истеъмолчилардан тушган мурожаатларнинг барчаси қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди.

Инспекциямиз ходимлари алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонун ва меъёрий ҳужжатлар талаблари, давлат ва соҳа стандартларининг бажарилиши, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва даражасини ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, лицензия келишуви шартларининг бажарилиши ва уларга риоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар қўламини кенгайтиришга эътиборни кучайтириб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда, фуқароларнинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун талаблари асосида фаолият юритишлари юзасидан аниқ ва манзилли ишларни олиб борадилар.

Акрам ҚУРБОНОВ,
Қашқадарё вилоят
ДАИ бошлиғи



Хизматлар ҳажми кўпаяди

Республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш бозорида фаолият юритувчи субъектларнинг консалтинг хизматларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида бор куч ва имкониятларини ишга солиб меҳнат қилаётган "ЎзАлоқаКонсалтинг" масъулияти чекланган жамияти жамоаси 2011 йилни катта муваффақиятлар билан яқунлади. Жорий йилдаги режалар эса янада улкан. Жамият директори Тоҳир БИКМЕТОВ муҳбиримиз билан сўхбатда ана шулар ҳақида гапирди.

— Тоҳир Муҳаммадшоевич, юрти-мизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг йил сайин ривожланиб, тақомиллашиб боришида Сиз бошчилик қилаётган жамоанинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, шундай эмасми?

— Албатта, шундай. "ЎзАлоқаКонсалтинг" МЧЖда фаолият юритаётган ҳар бир ходим бу билан фахрланади ва зиммасидаги вазифа масъулиятини янада чуқурроқ англаган ҳолда ўзига юклатилган ҳар бир топшириқни бекам кўст бажаришга ҳаракат қилади.

— 2012 йилнинг дастлабки ойи ҳам ўтиб борапти. Жамият жорий йилда қандай ишларни режалаштирган?

— Аввало шунини айтиш керакки, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун зарур бўлган қонунлар, қонуности ҳужжатлари, давлат ва соҳа стандартлари, соҳа норматив ҳужжат-

лари рўйхатини тайёрлаш, ўтган йилларини актуализация (янгилаш) қилиш, "UNICON.UZ" ДУК ва Давлат алоқа инспекцияси билан келишиш, субъект раҳбарига тасдиқлаш учун тақдим этиш хизматларини кўрсатиш биринчи ғалдаги вазифалар қилиб белгиланган.

Шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун зарур бўлган қонунлар, қонуности ҳужжатлари, давлат соҳа стандартлари ва норматив ҳужжатлар нусхаларини қорғоз шаклида ва электрон кўринишида махсус ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот асосида субъектларга етказиб бериш ва ҳар ойда янгилари билан тўлдириб бориш, соҳа субъектларининг инвестиция лойиҳаларига "Техник Топшириқлар", "Дастлабки ва якуний Техник иқтисодий ҳисоблашлар", "Дастлабки ва якуний Техник иқтисодий асослашлар"

лоийҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни белгиланган тартибда тегишли давлат бошқарув органларида экспертизадан ўтказиш, соҳа субъектлари, вазирликлар, агентликлар, кўмиталар ва бошқа давлат органлари томонидан ЎзАААга киритилган АКТ лойиҳаларини экспертиза қилишда Агентлик экспертиза комиссиясининг ишчи органи функциясини бажариш каби ишлар ҳам фаолиятимизда асосий ўрин эгаллайди.

— Субъектлар буюртмалари бўйича қурилиш лойиҳалари экспертизасини ўтказиш борасида ҳам ишлар олиб бориладими?

— Бундай буюртмалар бўйича ҳам ашё, ускуналар, хизматлар сотиб олиш учун ўтказиладиган тендер савдоларида тендер ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, Тендер комиссиясининг ишчи органи функциясини бажариш хизматлари режалаштирилган.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги режаси ва буйруғига мувофиқ топирилган норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳам фаол иштирок этамиз. Йил давомида маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ишларини бажариш, маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация қилиш ва техник хизматлар кўрсатиш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳолига

пулик хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилган "Метал-ковкас" цехини ривожлантириш, бу йўналишда бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини кўпайтириш борасида ҳам салмоқли ишлар олиб борамиз.

— 2012 йил юртимизда Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинди. Оила-лар мустаҳкамлигини таъминлаш йилига ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш орқали корхона ва ташкилотлар раҳбарияти ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин. Бу борадаги фикрингиз қандай?

— Ойлангиз тинчлиги унинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунини эътиборга олиб, жамият ҳисобидан ТАТУнинг 2-босқичида ўқиётган икки нафар, 4-босқичида ўқиётган бир нафар талабанинг шартнома асосида ўқиниши таъминлаш, бажарадиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар ҳажминини 20 фоизга-ча ва шунга мутаносиб равишда ходимлар иш ҳақини ҳам ошириб боришни режалаштирганмиз.

Бундан ташқари, Мустаҳкам оила йилида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тадбирларини ҳам амалга ошироқчимиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА
сўхбатлашди

ПРЕЗЕНТАЦИЯ В НОВОМ ГОДУ

Для творческой интеллигенции Хорезма областной информационно-библиотечный центр стал излюбленным местом проведения презентаций, художественных выставок, читательских конференций.

Каждому мероприятию работники центра соответственно оформляют зал, готовят справочные и информационные материалы, краткие библиографические очерки об авторах, чьи работы выносятся на суд ценителей прозы, поэзии, изобразительного искусства.

В наступившем году здесь прошла презентация сборника стихов кошкупырского поэта и прозаика Туркмена Бабаджанова "Кўнгил дафтари".

Представляя автора, директор ИБЦ Рахимбай Курбанов отметил, что Туркмен Бабаджанов

полвека писал стихи и прозу. Три года понадобилось, чтобы из лучшего, что он создал, составить сборник. Написанное им в семнадцатилетнем возрасте стихотворение "Ощуфтадил" ("Влюбленное сердце") стало первой страницей этого стихотворного дневника, наполненного размышлениями о жизни, о смысле бытия, о любви, о прошлом, будущем и настоящем.

Выступавшие на презентации зам. начальника облуправления по печати и информации Кадамбай Салаев, историк-краевед, председатель областного отделе-

ния благотворительного фонда "Олтин мерос" Камилжан Нуржанов, поэты Балтабай Бекметов, Аллаберген Пулатов и другие, говоря о творчестве Туркмена Бабаджанова, отмечали, что поэт-лирик передал в стихах свою любовь к родному краю, проживающим в нем людям, глубокое познание природы и истины жизни. Его поэтическими героями являются свободные и гордые люди пылкого сердца, могучей воли, готовые отдать свою жизнь за Родину, за счастье своего народа.

Туркмен Бабаджанов выразил признательность организаторам презентации, поделился своими творческими планами, отметил, что героями его будущих произведений будут наши современники — творцы свободной и счастливой жизни.

Зульфия МАШАРИПОВА,
зав. отделом обслуживания
пользователей
Хорезмского областного ИБЦ

700 МЛН. СУМ НАПРАВИЛ "БИЛАЙН" На благотворительные цели в 2011 году

Единый оператор связи "Билайн" подводит итоги благотворительной деятельности в 2011 году. С января по декабрь прошлого года на эти цели было направлено около 700 миллионов сум.

Комментируя итоги года, Генеральный директор ООО "Unitel" Андрей Сафронок отметил: "Корпоративная социальная ответственность — неотъем-

лемая часть нашей работы, более того — это то, что мы делаем с удовольствием и от всего сердца. Иначе и быть не может, ведь помимо традиционной поддержки спорта, образования и культуры мы постоянно работаем напрямую с людьми — детьми, инвалидами и ветеранами. Уверен, что в Год семьи это приобретает еще большее значение".

АЗИАТСКО-ЕВРОПЕЙСКИЙ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТОРГОВЫЙ ЦЕНТР

МАТЕРИАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ – СИСТЕМА ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ

Азиатско-европейский международный торговый центр основана 2003 году в Китайской Народной Республике. Основные направления фирмы производство и реализация смазочных масел, оптом и в розницу нефтепродуктов, химпродукция, сельскохозяйственных и побочных продуктов, электро-механической продукции, водоотопления, строительных материалов, машинно-тракторных деталей, обиходных предметов и пластмассовых пленок для сельскохозяйственного сектора (кроме государственной монополии). Работа по строительной машиной. Сбор утиль сырья и лома металлов. Самохозяйствование и агентирование по импорту и экспорту товаров разных ассортиментов и техники (за исключением товаров и техник, импорт и экспорт которых ограничатся государством). Развертывать операции в форме приграничной мелкой торговли.

Сетевая инфраструктура мирового уровня, техническая среда и профессиональная команда. Создание системы Азиатско-Европейского товарооборота полностью через сетевые технологии. Строительство и эксплуатация торговой площадки для третьей/четвертой стороны. Обслуживание двух больших рынков — международный и внутренний. Является площадкой электронной торговли ШОС с полным комплексом услуг, обеспечивается азиатско-европейский сырьевой товарооборот.

Получен многолетний торговый, логистический опыт и опыт электронной торговли, сильная торговая марка, превосходное техническое обслуживание, обширная территория электронной торговли, местным и иностранным предприятиям предоставляется полнофункциональное, всестороннее профессиональное обслуживание, служба безопасности, кредитование.

Список основных товаров импорта и экспорта:

ИМПОРТ В КИТАЙ ИЗ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ	ЭКСПОРТ ИЗ КИТАЯ В ЦЕНТРАЛЬНУЮ АЗИЮ
Промышленные материалы	Строительная техника
Хлопок	Второстепенные продукты питания
Флок	Изделия машиностроения и электроники
Семена хлопчатника	Строительные материалы
Химическое удобрение	Текстиль
Растительное масло	Одежда
Сахарный песок	Электротовары
Нефтепродукты (сырая нефть, тяжёлая нефть)	Автозапчасти
Металлопродукция	Фрукты
Электрические провода, строительные материалы, текстиль, товары широкого потребления	Замороженные морепродукты

КОРОТКО...

Компания ASUS отчиталась за 2011 год. Выручка составила 11,67 млрд. долларов. По оценкам аналитиков, чистая прибыль на акцию ASUS достигла 0,7 доллара.

В прошлом году ASUS представил новые продукты, в частности Zenbook и Eee Pad Transformer. Компания продолжает улучшать продуктовую линию и технологии: в частности, новый планшет на Android 4.0 получил процессор NVIDIA Tegra 3. В марте должен поступить в продажу уникальный продукт Padfone, представленный в прошлом году и вызвавший большой энтузиазм.

Международная авиакомпания British Airways и корпорация Xerox запустили пятилетний проект по оптимизации печатной инфраструктуры и почтовых операций авиаперевозчика с целью снизить на 25% затраты на производство документов и обработку корреспонденции.

В рамках контракта Xerox не только внедрит услуги по управлению печатной инфраструктурой в компании British Airways, но и обеспечит централизованное управление доставкой объектов внешней и внутренней корреспонденции. Xerox также возьмет на себя производство бортовой полиграфической продукции, чтобы ускорить этот процесс.

Как ожидается, глобальный спрос на флеш-память NAND существенно увеличится ввиду быстрого роста спроса на eMMC-чипы, твердотельные накопители и беспроводные мобильные Wi-Fi-устройства хранения данных, заявил Digitimes.

По прогнозам исследовательских компаний, в 2012 году по всему миру будет поставлено свыше 600 млн. смартфонов, и, если степень проникновения eMMC достигнет 60%, спрос на них достигнет 360 млн. Некоторые компании предсказывают показатель глобального спроса в размере 400-500 млн. eMMC.

По заявлениям вендоров ПК, сделанным 16 января, настойчивость Intel и Microsoft относительно использования разработанных ранее политик ценообразования может привести к тому, что планшеты под управлением Windows 8 проиграют в конкурентной борьбе.

Intel не хочет сокращать общую рентабельность чипов Atom на основе Clover Trail, в то время как Microsoft не собирается уменьшать цену на Windows 8. Так, цены на планшеты на основе процессоров Intel под управлением Windows 8 могут начинаться минимум от 599 долларов, и доходить до 899, что гораздо выше заданной iPad планки в 499 долларов, сообщила Electronista.

Согласно результатам исследования IDG, почти каждый профессиональный работник, использующий iPad, применяет устройство в основном для выполнения рабочих задач. Порядка 91% работников по всему миру применяют iPad прежде всего для работы, и лишь небольшой остаток времени — для личного пользования, сообщила Electronista. Примерно четверть общего числа планшетов предоставляются работодателями, что свидетельствует о росте тенденции использования планшетов Apple в качестве рабочего инструмента.

Чтобы стать лидером на мировом рынке 3D-телевизоров, LG расширяет свое семейство телевизоров Cinema 3D Smart TV с большим экраном, а также выпускает более легкие 3D-очки и повышает доступность 3D-контента. Около 70% новых телевизоров LG будут обладать функцией 3D. Количество телевизоров с 3D будет увеличено во всех линейках, а функция Smart TV будет включена во все телевизоры в качестве базовой.

Компания Samsung выпустила новую версию флагманского устройства Samsung Galaxy Note с поддержкой мобильных сетей четвертого поколения.

Устройство оснащено самым широким в своем классе HD Super AMOLED-дисплеем (5,3 дюйма) и комбинированной технологией ввода при помощи сенсорного управления и электронной ручки S Pen. Samsung Galaxy Note поддерживает работу в сетях 4G LTE от компании AT&T.

По материалам интернет

Жаба +tv

ДУШАНБА — 23 ЯНВАР

ОУЎ АЖДОҒОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
7.05 "Олам на олам" дастури: "Ғаройиб шарҳларлар".
7.20 "Иқлим".
7.25 "Кирол Сежонг" /Т.с.
8.00 "Талақнома".
8.40 - 9.15 "Миньяннинг" дастури.
"Болалар сайераси".
9.15 "Жонни ўрмон" /М.с.
10.40 "Иқлим".
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Абборот".
11.15 "Тонги газети" /Т.с.
— "Халқаро почта" филиали бўйича ҳар ҳафтанинг сешанба куни маънавият ва маърифат йўналишида маърузалар ўқилади. Маърузалар филиалда ҳафтанинг маънавий-маърифат ишлари бажариш бўйича ўтказиладиган давра суҳбатлари тадбирлар режасига асосан олиб боришмоқда. Маърузалар филиалдаги директори ўринбосарлари, бўлим, цех ва участка бошлиқлари томонидан тайёрланади ва ўқилади. Бундан ташқари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖдан, Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат бўлимидан ва Халқ демократик партияси Миробод тумани кенгашидан ҳам маърузачилар таклиф этилиб, суҳбатлар уюштириляпти. Шунингдек, маънавият ва маърифат бўйича қабул қилинган барча қонунилар, қарорлар ва қонуности ҳужжатлари ходимлар билан бирга ўрганиб борилади.

— **Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат!**

Собит АХАДОВ
суҳбатлашди

Таълим сифатини ошириш — устувор вазифа

Ортда қолган 2011 йил Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейи учун ҳам қатор ютуқларга бой бўлди.

Айтиш жоизки, мазкур билим даргоҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 июлдаги "Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олишларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 427-қарори ижросини таъминлаш юзасидан ўтган давр мобайнида салмоқли натижаларга эриша олди. Хусусан, лицейда ўқув-тарбия жараёни давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилган. Ўқитувчилар ўқувчиларга билим беришда илгор педагогик технологиялардан самарали фойдаланилмоқдалар ва фанлардан очик дарслар мунтазам ўтказилиб, ўқув, илмий-услубий қўлланма ва мақолалар чоп этилиб келинмоқда. Натижада академик лицейга ўқишга кириш истагидаги ёшлар сони, айниқса, охириги уч йилда сезиларли ортди. Таълим масканида ҳозирги кунда 540 нафар ўқувчи аниқ фанлар йўналишида билим олаётгани фикримиз исботидир.

Академик лицей Тошкент ахборот технологиялари университети билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Университет раҳбарияти лицей ўқувчилари, педагогик жамоаси билан мунтазам учрашиб, лицей моддий-техника базасини замонавий АКТ билан янгилаб боришга доим амалий ёрдам бериб

келади. Хар ўқув йилида университет илмий кенгашида академик лицей фаолияти ўрганилиб, тахлил қилинади. Университет Васийлик кенгаши ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан академик лицей ўқитувчиларига ойлик йўл чигаталари ва иқтидор, аъло ўқиши, намунали хулқи билан ўрнак бўлган ўқувчиларга рағбатлантирувчи степендиялар таъсис этилган. Дарс ўтиш жараёнида ҳам лицей фан ўқитувчиларига университетнинг "Физика", "Математика", "Информатика" кафедралари профессор-ўқитувчилари томонидан услубий, малакавий ёрдам берилиб, электрон дарсликлар яратишда амалий кўмаклашиб келинмоқда. Жумладан, 2010-2011 ўқув йилида университетнинг "Физика" кафедраси ўқитувчилари лицейнинг физика ўқитувчиси Қ.Суяров билан ҳамкорликда ишлаб, Ш.Ақбаралиев, Э.Джавғашев, М.Расулова сингари иқтидорли ўқувчиларга амалий ишларни ўтказишда махсус лабораториялардан фойдаланиш имкониятини яратиб бердилар, кузатилиши кийин бўлган физик жараёнларнинг электрон дастурларини яратишда самарали ёрдамлашдилар. Университетнинг "Информатика" кафедраси етакчи ўқитувчилари эса ўн нафар иқтидорли ўқувчи-олимпиада масалаларини ечиш жа-



раёнларини ўқитиш бўйича махсус курсларда тахсил олиш имкониятини яратиб бердилар. Бу курсларни битирган 301- ва 305-гуруҳ ўқувчиларидан У.Тўйчиев, Т.Денисова, М.Богомоллов ва Т.Ермаковлар "Мега Азия" ва "Иқтидорли ўқувчилар" танловларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгалладилар. Бундан ташқари, ТАТУ Ўзбек-Ҳинд ахборот технологиялари марказида академик лицей 30 нафар иқтидорли ўқувчисининг замонавий ахборот технологиялари ва дастурлаш бўйича имтиёзли билим олишига университет хомийлик қилмоқда.

Таълим муассасасида маънавий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилади. Буюк алломаларимиз, мутафаккир олимларимизнинг ҳаёти ва ижодини кенгроқ ўргатишга қаратилган турли тадбир-

лар ва очик дарслар ташкиллаштирилиб борилади. Дарсларда ўқувчиларни аждодларимиз ҳаёти билан янада яқинроқ таништириш мақсадида Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи ва Алоқа тарихи музейларига, "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасига доимий саёҳатлар уюштирилиб борилади.

Бугунги кунда соғлом муҳит ҳукмрон бўлган академик лицейда 44 нафар олий тоифали педагоглар ўқувчиларга билим бериб келишмоқда. Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва тақомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унда илгор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш лицей жамоасининг устувор вазифаларидан биридир.

Усмоножон Йўлдошев

Интернетнинг кундалик ҳаётимизга кириб келганига анча бўлди. Интернет бу — дунё бўйлаб юз миллионлаб фойдаланувчиларни бирлаштирадиган ва бир-биримиз билан алоқада бўлишга ёрдам берадиган глобал компютер тармоғидир.



Интернет Ва замонавий ҳаёт

Интернетнинг келиб чиқиш тарихи 1969 йили Қўшма Штатларда бошланган. Бу, атроф-муҳит радиация билан зарарланган ядро уруши вақтида, ташқарига бирор-бир маълумотни олиб чиқиш хавфи бўлган бир пайтда омон қолиш учун ишлаб чиқилган ҳарбий тажриба эди. Интернет орқали йўланган маълумот бир компютердан бошқасига энг қисқа ва хавфсиз йўналишларда етиб боради. Шунга мувофиқ, тармоқдаги икки компютер орасида ҳатто бир йўналиш қолган бўлса ҳам бир-бирлари билан алоқа сақланиб туради.

Бу технология пакетли уланиш деб номланади.

Компютеримиздаги маълумотни телефон линиялари орқали юборишга имкон яратадиган махсус жиҳоз — модем ихтироси миллионлаб одамлар учун интернет эшигини очди.

Асосий тармоқ серверларининг кўпи Америка Қўшма Штатларидадир. Турган гапки, интернетдан фойдаланувчилар сонини аниқ ҳисоблаб чиқиш кийин, чунки юз миллионлаб фойдаланувчилар мавжуд бўлиб, улар сони ўсиб бормоқда.

Ҳозирги кунда интернетнинг кенг

тарқалган хизмати бу — электрон почтадир. Кўплаб одамлар интернетдан фақатгина электрон почта орқали хат юбориш ва хат олиш учунгина фойдаланишди ва буни уйда, интернет-клуб ёки ишда ҳам амалга ошира олишлари

роқлар учунгина тўловни амалга оширадилар. Лекин имкониятлар фақатгина маблагни тежашда эмас — тармоқдан тижорат мақсадларида ҳам фойдаланилмоқда. Бу эса шиддат билан ўсиб борапти.

Бу борада интернетда ишлашнинг энг жиддий муаммоси хавфсизликдир. Сиз электрон хабар жўнатганингизда, хабарингиз турли тармоқ ва компютерлар орқали "саёҳат" қилиши мумкин...

Маълумотлар маршрутизатор деб номланган махсус компютер орқали йўналтирилади. Шу тўғрисида маршрутизатор орқали хоҳлаган компютерга кириб интернет орқали жўнатилаётган маълумотни билиб олишингиз ва ҳатто уни ўзгартиришингиз ҳам мумкин. Бунга қарши кодланган дастурлар ишлаб чиқарилган. Шундай бўлса-да бу дастурлар ўта мукамал эмас ва осонгина дарз кетиши мумкин.

Тармоқдаги яна бир катта ва жиддий муаммо бу назоратдир. Ҳа, интернетда самарали назорат йўқ, чунки тармоқ ичида жуда улкан миқдордаги маълумот айланиб юради. Бу бир вақтнинг ўзига фоят улкан кутубхона бўлиши билан бирга бозор ҳамдир. Балки келажакда мавжуд ҳолат ўзгариши мумкин, лекин ҳозирча фақат шуларгагина эгамиз, холос.

Инглиз тилидан Фаргона 2-тиббӣет коллежи ўқитувчиси Гулбаҳор УМАРОВА таржимаси

Майрамхон танлов ғолибаси

"Энг яхши АРМ мутахассиси" кўрик-танловининг республика босқичида 14 нафар ахборот-ресурс марказлари ходимлари ўртасида Қўштепа тумани ахборот-ресурс маркази мутахассиси Майрамхон Абдурахмонова ғолиб деб топилди.

У АРМ мутахассиси сифатида нафақат ўқитувчилар ва ўқувчилар, балки кенг жамоатчиликни ҳам марказга жалб этишга бутун диққат-эътиборини қаратди.

Туман қишлоқларидаги филиаллар ишини сифат ва самарадорлик жиҳатидан юксалтиришга ўзининг муносиб хиссасини қўшди.

Кутубхоначилар ўртасида лекциялар ўқиш, давра суҳбатлари, бахслар ўтказиш, семинарлар, китоб кўргазмалари, адабий кечалар, китоб тақдироти, сўвонномалар ташкил этиш унинг иш фаолияти мезонига айланиб қолган.

— Одамларга зиё тарқатишдек, масъулиятли ва олижаноб ишм орқали ғолибликка эришганидан хурсандман, — дейди "Энг яхши АРМ мутахассиси" кўрик-танловининг республика босқичи ғолибаси Майрамхон Абдурахмонова.

Мухаммаджон МАХМУДОВ

Аёл ишга кирди. Оиласи чини, фарзандини соатлаб ташлаб ишга отланади, уйига қайтаётганида эса фарзандларига ширинликлар, мевалар, хар хил китобчалар олиб боради. У фарзандлари бағрида яйрайди, қувонади, йўқотган соатларини бутлаш учун икки баробар ҳаракат қилади. Катта фарзандлари дарсларини текширади, кежатоий билан эса янги машқлар, ўйинлар ўйнайди. Оилавий сайрга чиқнади, музқаймоқ, арғимчок дегандек. Уйда бўлган чорлар кир ювиш, нон ёпиш, уй тозалаш, фарзандларига парвона бўлиш. Она — шундай дам олади. Фикри-зикри оила, иш, фарзанд. Яхшиям телефон бор.

Телефон орқали ота-она, ёр биродар билан сўрашиб, ҳолаҳволини биледи. Турмуш ўртоғи, фарзандлари билан муомала қилиш, улар соғлиғидан қайғуриш, мактабда ўзини тутиши билан ҳаммага ўрناق бўлишга ўргатиш — ҳамма масъулият аёл зиммасида. Аёл ишга отланаркан, турмуш ўртоғи ва фарзандларига меҳр тўла қўзлари билан

боқади. Бу муқаддас дарғох — оила аталмиш ажиб дунёни ёритиб турувчи нури-ғавҳари эканлигига шукр қилади ва фарзандларига, турмуш ўртоғига, эл-юртига кераклигидан қувонади, қолаверса, меҳр қўйгани — алоқачилик дунёдаги энг керак-

Аёл

ли касблардан эканидан фахрланади. Мижозлар билан муомала қилиш, техник носозликларни тезда бартараф қилиш ёки бирон хабарни эгасига тез етказиш — ҳамма эзгу ишлар шу касбда. Алоқачилик шифокорлик каби масъулиятли ва керакли. Бу касбдаги барча аёллар тақдири бирдек. Аёл ўз хаёллари билан ишга етиб боради. Ишхона — бу иккинчи уй. Жамоа — бу иккинчи оила, ўз камчиликлари, ўз ташвишлари билан яқинларидек бўлиб қолган касбдошлари. Бирининг

дардига, бирининг қувончига шерик. Жамоа ишлари билан бирга, ўз устида ишлаш, спорт билан шуғулланиш, тил ўрганиш, турли-туман тадбирлар, туғилган кунлар, тўй-маърака — бир оила бўлиб ҳаммасини бирга баҳам қўриш. Ҳамкасбарининг турмуш тарзи, фарзандлар юзуклари, камчиликларини ўзаро муҳокама қилиш. Шундай қилиб кунлар, йиллар ўтади. Насиб қилса нафақага чиқади ва фарзандлари, турмуш ўртоғи, қариндошларига тўла-тўқис вақт ажратади.

Фарзандларига беролмаган ширин дамларни энди набираларига атайди, шу билан бирга, ўз аёллик бурчини тўла-тўқис бажармоқчи бўлади бу хокисор, ғамхўр ва меҳрибон аёл!

2012 йил — Мустақкам оила йилида барча алоқачи аёлларимизга соғ-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлари камолини қўриб юришларини чин юракдан тилайман.

Муяссар ИБРОҲИМОВА,
"Ўзбектелеком" АК
Наманган филиали диспетчери

Эшонтўп қишлоғи Бешрабоднинг қадим тарихга эга қишлоқларидан бири. Бу масканда илм-маърифатга чанқоқ, маданиятга интилувчан, адабиётга ошно, меҳнатқаш, зиёли инсонлар яшайди. Қаҳрамонимиз Раббим ака ҳам ана шундай инсонлардан бири.

Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.


Ислом КАРИМОВ

Меҳнат ва бахт нашидаси

Меҳнат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган Бешрабодда оддий почтачиликдан бошлаган Раббим Эшпўлатовга бу касб ота мерос. Чунки Келачи маҳалласидагилар узок йиллар почтачилик қилган Эшпўлат ота Боймуродовни жуда яхши хотиралар билан халигача эслашади.

— 1984 йили Навбахор туманидаги касб-хунар билим юртини тугатиб, отамдан ишни қабул қилиб олдим, — дейди қаҳрамонимиз. — Асосан Келачи маҳалласи аҳолисига хизмат кўрсатишга масъул эдим. Бундан ташқари, туман марказида жойлашган корхона ва ташкилотларнинг 90 фоизига хизмат кўрсатиш ҳам меннинг зиммамга юклатилган эди. Устозим — отамдан ишнинг пасту баландини, элга намунали хизмат кўрсатиш сирларини ўргатиб олдим. Орадан йиллар ўтди. Ишни пухта ўрганиш билан бир қаторда Тошкент алоқа коллежиди ҳам ўқидим.

Ота касбини танлаган киши ҳеч қачон кам бўлмайди, деганлари рост экан. Ўқиш, изланишлар зое кетмади. Раббим ака 1990 йилда Навбахор алоқа боғламаси бошлиғи ўринбосари этиб тайинланди. Ўша йилларда телефон ва почта хизматларига раҳбарлик қилиш тизими битта эди. Кейинчалик соҳаларга алоҳида раҳбарлик лавозими жорий этилди. 1992 йилда Бешрабод почта алоқаси тармоғига бошлиқликка Раббим Эшпўлатов муносиб деб топилди. У бу лавозимда 1998 йилгача фаолият кўрсатди. Шундан сўнг 2002 йилгача Навоий шаҳар алоқа цехи бошлиғи лавозимда катта-катта корхоналар, юзлаб ташкилот ва муассасаларга намунали алоқа хизматини ташкиллаштирди. 2002 йилдан 2007 йилгача Бешрабод ПАТнинг бошлиқ ўринбосари ва бошлиқ лавозимларида меҳнат қилди. 2008 йилдан ҳозирги кунга қадар "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали назорат-таҳлил бўлими



бошлиғи сифатида хизмат қилмоқда.

Раббим ака қайси йилларда, қаерда меҳнат қилмасин, ўз касбига содик, ўз соҳасини ипидан-игнасигача ўрганган, ўз меҳнатини шараф деб биладиган камтарин, самийинг инсон сифатида меҳнат қилишга одатланди. Ва бу хислатлари билан барчага ўрناق бўлди, жамоа ўртасида юксак обрў-эътибор, хурмат ва қадр топди.

Раббим ака нафақат ишда илғор, балки жамоат ишларида ҳам кўпчиликка бош-қош. ЎзХДП аъзоси сифатида сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирокчи. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини халққа етказиш борасида ташкил этилаётган учрашув ва мулоқотларда ўз фикри ва нуқтаи-назарини билан иштирок этаётганлиги унинг юксак масъулият эгаси эканлигидан ва фидойилигидан далолат беради.

"Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал" дейди шоирларимиз. Дарҳақиқат, шундай. Агар Раббим аканинг ёнида уни

тушунадиган, у меҳр қўйган соҳанинг захматига шерик бўлиб ишлаган Саноат опа бўлмаганида балки бундай мартаба-ю, эътиборларга эришиш мушкул бўлармиди? Ахир Юртбошимиз аёлини "...оила кўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони..." деб бежиз таърифламадилар.

Навбахор туманидаги Бешрабод почта алоқаси тармоғида 12та алоқа бўлими мавжуд бўлиб, сараловчи ўрни эса битта эди. Ғужбоғ, Кескантерак, Араб сарой, Янгикўрғон, Қалқонота каби катта алоқа бўлимларининг иш ҳажми ҳам, саралаш ташвиши ҳам катталигини инобатга оладиган бўлсак, Саноат опа тинимсиз меҳнат қилди. Ишда нитизомли ходим, уйда сариштали ва файзли хонадон бекаси, фарзандларга меҳрибон она вазифаларини ҳам бекаму қўст бажаришга вақт ва имкон топа олди. Фарзандларига қилган орзу хавасларини ҳам унутмади, бир-биридан дилбар, ҳам маълумотли, ҳам касб-хунарли келинларга қайнона

бўлиш бахтига ҳам муяссар бўлди.

Раббим ака турмуш ўртоғи Саноат Бобоева билан ибратли умри давомида тўрт ўғил ва бир кизни тарбиялаб вояга етказишди, уларнинг ўқиши, ҳаётда ўз ўринларини топиши учун ҳеч нарсани аямади. Фарзандлар тарбияли, одобли, ота-оналаридек меҳнатқаш ва камтарин инсон бўлиб камолга етдилар. Ҳар бир инсон учун фарзанд камолини, бахтини қўриб яшаш эса энг олий бахтдир.

Раббим акадан маҳалла фаоли сифатида ҳам ибрат ола арзийди. Баъзи тўй-маросимларни ортқича дабдабага айлантираётганларга ибрат бўлсин деб бир йўла учта ўғлининг ниҳок тўйини бир кунда ўтказиб, кексаларнинг дуосини олди. Файзли хонадон ҳовлисига йиғилган меҳмонлар уч келин-куёнга қараб хавас қилишди.

Тўрт ўғил — Шавкатжон, Мукамал, эгизаклар — Тоҳир ва Зойирлар ҳамда кизлари Эътибор ўз бахтининг топган. Раббим аканинг барча фарзандлари оиласидан, яшашидан, ишидан кўнгли тўқ. Шириндан-ширин 9 нафар неваранинг қувончлари оламга татийди. Бу оиланинг ибрат ола арзийдиган яна бир мактаби бор. Қайнона-келиндарнинг муносабатига кўз тегмасин, учала келин билан бирга бир ховлида, меҳрли хонадонда яшашади. Бу мустақкам ва аҳил оилага барчанинг ҳаваси қилишининг асосий сабаби ҳам ана шунда.

Юртбошимиз томонидан 2012 йилнинг Мустақкам оила йили деб эълон қилиниши ана шундай оилалар санининг кенгайишига, оила кўрғонининг янада мустақкам бўлишига, ибратли оилалар таърибасини оммалаштиришга асос бўлиши шубҳасиз. Чиндан ҳам Ўзбекистонимизда азал-азалдан муқаддас саналган оиланинг нуфузини яна бир қарра оширишининг улғу ҳикмати бор. Чунки оила соғлом экан жамият мустақкам, жамият мустақкам экан мамлакат барқарордир.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

Бухоро вилоят "SHAD SAVDO ZAMIN" масъулияти чекланган жамияти

"Очиқ танлов" савдоларига таклиф этади

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Ромитан туман ҳокимининг 2011 йил 15 августдаги 466-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга куйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

№	Объектнинг фаолият тури	Объектнинг ер майдони (м ²)	Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати (сўм)	Объектнинг жойлашган манзили
1	2	3	4	5
1	Тикувчилик цехи	150	67605	Ромитан шаҳар Нурафшон кўчаси
2	Чойхона	240	108168	
3	Нонвойхона	172	77520	
4	Кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи	172	77520	
5	Уяли алоқа хизмати	64	28844	Ромитан шаҳар Ф.Хўжаев кўчаси
6	Гўзаллик салони	154	56426	
7	Нонвойхона	174	63754	
8	Минимаркет	64	23450	
9	Маиший хизмат кўрсатиш	64	23450	Ромитан ҚФЙ Гараншоҳ қишлоғи
10	Интернет клуб	64	23450	
11	Нонвойхона	90	25830	
12	Чойхона	184	52808	
13	Маиший хизмат кўрсатиш	160	36162	Ромитан ҚФЙ Борча қишлоғи
14	Тиш даволаш хусусий шифохонаси	154	44198	
15	Дорихона	124	30876	
16	Маиший хизмат кўрсатиш	126	36162	
17	Дорихона	120	34440	Ромитан ҚФЙ Ўба қишлоғи
18	Хўжалик моллари сотиш	76	21812	
19	Гўзаллик салони	50	14350	
20	Чойхона	212	52788	
21	Уяли алоқа хизмати	64	15936	Челонғу ҚФЙ Тошрабат қишлоғи
22	Озиқ-овқат дўкони	64	15936	
23	Дорихона	124	30876	
24	Тиш даволаш хусусий шифохонаси	124	30876	
25	Савдо дўкони	114	28386	Шўрча ҚФЙ Шўрча қишлоғи
26	Савдо дўкони	64	15936	
27	Савдо дўкони	64	15936	
28	Савдо дўкони	64	15936	
29	Маиший хизмат кўрсатиш	126	31374	Боғитуркон ҚФЙ маркази
30	Чойхона	600	172200	
31	Мини маркет	80	22960	
32	Гўзаллик салони	80	22960	
33	Тиш даволаш хусусий шифохонаси	180	51660	Боғитуркон ҚФЙ Марзия қишлоғи
34	Уяли алоқа хизмати	80	22960	
35	Дорихона	140	40180	
36	Чойхона	450	112050	
37	Кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш	246	61254	Боғитуркон ҚФЙ Марзия қишлоғи
38	Мини маркет	124	30876	
39	Тиш даволаш шифохонаси	124	30876	
40	Дорихона	124	30876	
41	Тикув цехи	124	30876	Боғитуркон ҚФЙ Марзия қишлоғи
42	Маиший хизмат кўрсатиш	124	30876	

ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ҳолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ромитан туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик тошпириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик тошпириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ҳолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни 1 йил муддат ичида бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва савдо кунидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар "Танлов ташкилотчиси" — "SHAD SAVDO ZAMIN" масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар "Ипотекабанк"нинг Сардор филиалидаги МФО: 00119, СТИР: 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига буюртманомалари берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдориди қақалат пуллари тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ромитан туман ҳокимлиги биносида 2012 йил 20 феврал куни соат 11.00да очилади. 2012 йил 20 феврал куни соат 16.00да мазкур ҳокимлик биносида танлов ҳолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ҳолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 20 февралдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 27 феврал, 5,12,19 март кунлари соат 11.00да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ромитан туман ҳокимлиги биносида савдо кунидан соат 11.00да очилади ва шу кун соат 16.00да мазкур ҳокимлик биносида танлов ҳолиблари аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчиси билан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдориди ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчиси билан бирга куйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

-юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

-жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

-танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига қақалат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;

-танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча арақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.
Телефонлар: 8 (365) 223-69-62. Лицензия RR-0048

Хизматлар лицензияланган.

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Профессорлар: Электроника — 2, Радиотехника ва радиоалоқа — 1, Телерадиоэшиштириш студиялари ва жиҳозлари — 1, Ахборот хавфсизлиги — 1.

Доцентлар: Олий математика — 1.

Кафта ўқитувчилар: Радиотехника ва радиоалоқа — 1, Ахборот технологиялари — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар: Чет тиллари — 2, Менежмент ва маркетинг — 1, Ахборот технологиялари — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номдорлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Тел: 238-64-06

Ўтганларнинг охирига обод бўлсин

"Республика махсус алоқа боғламаси" давлат унитар корхонаси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси махсус алоқа боғламаси бошлиғи Алмат Турганбаевга акиси

Малик ТУРГАНБАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Матбуот таркатуви" акциядорлик компанияси Кузатув кенгаши ва жамоаси компания бош директори ўринбосари

Жумакул ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарь филиали жамоаси филиалнинг капитал қурилиш бўлими бошлиғи Самад Вазоратга турмуш ўртоғи

Гуляхера РУСТАМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ жамоаси компаниянинг собиқ фахрий ходими М.Носировага акиси

Нигматилла НОСИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

1954 йил 26 августда Раҳимберди Игамбердиев номига Шайхонтоҳур тумани Маннон Уйғур кўчаси, Ковунчи музолишидаги 27-уй учун берилган уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Футбол

Ўзбекистон терма жамоаси ФИФА рейтингига 8 поғона кўтарилди

ФИФА ташкилоти терма жамоаларнинг янги рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон терма жамоаси ўшбу рейтингда 8 поғона юқориласига эришди. Айни дамда терма жамоамиз 495 очко жамғарган ҳолда 67-ўринни эгаллаб турибди.

Бу юқориланишнинг асосий сабаби Ўзбекистон терма жамоасининг аввалги ўйинларда, хусусан, Қатарда ўтган Осиё Кубоги ҳамда ЖЧ саралаш баҳсларидаги муваффақиятли иштироки экандир.

Жадвалнинг юқори қисмида эса деярли ўзгаришлар йўқ.

- 1 (1). Испания — 1564 очко
- 2 (2). Голландия — 1365
- 3 (3). Германия — 1345
- 4 (4). Уругвай — 1309
- 5 (5). Англия — 1173
- 6 (6). Бразилия — 1143
- 7 (7). Португалия — 1100
- 8 (8). Хорватия — 1091
- 9 (9). Италия — 1082
- 10 (10). Аргентина — 1067
- 19 (19). Япония — 869
- 21 (23). Австралия — 866
- 30 (32). Жанубий Корея — 752
- 44 (45). Эрон — 623
- 67 (75). Ўзбекистон — 495
- 73 (78). Ироқ — 457
- 74 (71). Хитой — 455
- 81 (82). Иордания — 426



"Бунёдкор" "Зенит"га имкониятни бой берди

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бошланган "Dubai Matchworld Cup 2012" мусобақаси доирасида "Зенит" — "Бунёдкор" учрашуви бўлиб ўтди.

"Зенит" аъзоси Саболч Хусти учрашунинг 13-дақиқасида ҳисобни очган бўлса, Бухаров 42-дақиқада уни 2:0 кўринишига олиб келди.

Биринчи бўлимдан сўнг, Миржалол Қосимов ўз жамоасида ўзгартиришларни амалга оширди. Камолиддин Мурзоев 88-дақиқада гол киритиб, орадаги фарқни кискартиришга муваффақ бўлди.

Шу тариқа биринчи учрашунинг "қалдирғочлар" кичик ҳисобдаги мағлубият билан бошланди. "Бунёдкор" мусобақадаги иккинчи учрашунинг 20 январ куни Швейцариянинг "Ксамакс" клубига қарши ўтказилади.

Теннис

Аринанинг ғалабали одими

Дехли шаҳрида Халқаро теннис федерацияси томонидан ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган халқаро турнирда ўндан зиёд мамлакатдан келган теннисчилар қаторида ҳамюртимиз Арина Фолс ҳам совринли ўринлар учун курашмоқда.

Нуфузли мусобақанинг саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган 15 ёшли теннисчимиз асосий тур беллашувларини ҳам ғалаба билан бошлади. Арина ҳиндистонлик Наянка Девиреддига қарши қортга чиқиб 6:1, 6:3 ҳисобида ғалаба қозонди. Энди ҳамюртимиз чорак финал йўлланмаси учун ўтказиладиган учрашувда биринчи рақамда сараланган мисрлик Май Ал-Камашга қарши қортга чиқади.

Шахмат

Гроссмейстеримиз Голибликка даъвогар

Ҳиндистонда шахмат бўйича ўнинчи маротаба ўтказилаётган "Parsvnath International Open-2012" халқаро турнирида хали очко йўқотмаган уч нафар гроссмейстер — ўзбекистонлик Марат Жумаев, филиппинлик Оливер Барбоза ҳамда Жон Пол Гомез пешқадамлик қилмоқда.

Дунёнинг ўн беш мамлакатидан келган уч юз нафардан зиёд шахматчи дона сураётган нуфузли мусобақада юртимиз шарафини химоя қилаётган халқаро гроссмейстеримиз Марат Жумаев тўртинчи турда мезбонлар вакили Гусаин Химални мот қилди. Бешинчи турда эса ҳиндистонлик халқаро тоифадаги спорт устаси Сури Ваибхавни қора доналарда мағлубиятга учратди.

М.Жумаев навбатдаги турда асосий рақобатчиси Оливер Барбозага қарши оқ доналарда ўйнайди.

Дзюдо

Ишон Собиров бу сафар иккинчи

Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган "Мастерс" туркумидаги халқаро турнирда икки қарра жаҳон чемпиони Ишон Собиров қумуш медалга сазовор бўлди.

Нуфузли мусобақада эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда дунёнинг 44 мамлакатидан икки юз нафардан зиёд спортчи татамига қичди. 60 килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Ишон Собиров нидерландиялик Жероен Мурен, қозғистонлик Еркебулан Қоссаев, россиялик Беслан Мудрановни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Хал қилувчи беллашувда яна бир россиялик дзюдочи Арсен Галстан билан рақобатлашган ҳамюртимиз қумуш медал билан қифояланди.

Реклама ва эълонлар

"BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти "Очиқ танлов" савдоларига таклиф этади



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Жондор тумани ҳокимининг 2011 йил 3 декабрдаги 1087-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

Савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун Жондор тумани Дўстлик кўчаси худудига жойлашган ер майдони 30,0 кв.метрдан иборат бўлган 1та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 33 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич хажми, шакллари ва шартлари Жондор туман архитектура ва қуриш бoshқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топириғи асосида белгиланади.

Танловда қатнашиш учун талабгор буюрма хат билан танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган талабгор учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Жисмоний шахс мақомига эга бўлган талабгор учун - паспорт нусхаси, танловда ваколатли вақил қатнашганда ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Танлов тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридида закалат пулининг хабарномада кўрсатилган танлов ташкилотчисининг ҳисоб рақамига ўтказилганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган, муҳрланган конвертлардаги икки нусхадаги танлов таклифи.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри (юридик шахслар учун) ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда қатнашиш учун талабгорлардан буюртманомалар хар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) қабул қилинади ва буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 22 феврал куни соат 18.00 да тўхтаилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорларнинг таклифлари Жондор туман ҳокимлиги биносида 2012 йил 23 феврал куни соат 11.00да очилади ва 2012 йил 12 феврал куни соат 12.00да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби деб топилади.

Танлов комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ энг юқори таклиф билдирган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорларга уларнинг сўровлари бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридидаги тўлов эвазига танлов ҳужжатлари тақдим этилади.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пуллари тўланиши учун танлов ташкилотчиси банк реквизитлари: **ХХТУТ: 83200, СТИР: 302045495, МФО: 00115 ОАТ Қишлоқ қуриш банки Бухоро минтақавий филиалидаги х/р 20208000204922559001**

Буюртманомаларни топириш ёки танлов ҳужжатларини олиш ҳамда қўшимча маълумолар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

"Танлов ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти.

Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

Лицензия RR 0029, E-mail: bg_reltor@list.ru, тел: +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.

Хизматлар лицензияланган.

Кроссворд



ЭНИГА: 10. Маймун тури. 11. Русийзабон интернет-кидирув тизими. 12. Ер йўлдоши орбитасининг Ер марказидан энг узок нуқтаси. 13. Асалари ўзи ҳосил қилиб у ясайдиған модда. 14. Франциядаги маъмурий бирлик. 15. Жуда, юкори. 18. Ҳинд сериали бош қахрамони. 19. Неваранинг боласи (бобо ва бувига). 20. FM радиоканали номи. 22. Миллий мато. 24. Бадминтон "тўши". 25. Кутилмаганда, қўққисдан. 26. Чет мамлакатлардаги суюқлик ва сочидувчан нарсалар ўлчов бирлиги. 27. Бутун. 28. Бадхўр ўт. 30. Самарқанд вилоятидаги туман. 37. Овоз, товуш. 38. Организмнинг химиявий хусусиятлари хақидаги фан. 39. Кичикроқ ресторан ёки ресторан қисми. 42. Сайроқи куш. 43. Янги Зеландиянинг губ аҳолиси. 44. Бу мамлакат гербида "Денгиздан денгизгача" деган ёзувни кўрасиз.

БЎЙИГА 1. Кема корпусининг горизонтал қопламадан иборат қисми. 2. Тутун. 3. Италиянинг энг совриндор футбол клубларидан бири. 4. Икки ўрқачли туя (шева). 5. Дурадгорлик асбоби. 6. Термин. 7. Қизлар исми. 8. Кечки пайт. 9. "Илида" асари қахрамони, Троя шохининг тўнғич ўғли. 16. Олий таълимдаги босқичлардан бири. 17. Мексикадаги йирик шаҳар. 21. Маълум бир ҳудудда яшовчи одамлар гўплами. 23. Айланувчининг жиноят содир этилган пайтда бутунлай бошқа жойда бўлганлигини ифодаловчи юридик атама. 29. Кавказдаги тоғ. 31. Африка мамлакати. 32. Кристалланмаган; шаклсиз. 33. Кимёвий модда. 34. Европаликларнинг пуфлаб чалинадиған йирик мусика асбоби. 35. Наманган вилоятидаги шаҳар. 36. Кислота тури. 40. Безак. 41. Жанубий Америка тизма тоғлари.

Тузувчи: С.Темиров

Табриклаймиз!

ЎзААнинг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси, "Ўзбек-телеком" АК Бухоро филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси жамоалари ушбу кўмита раиси **Олия ШУКУРЛАЕВА**ни 50 ёши билан самимий муборакбод этиб, унга сўҳат-саломатлик, узок умр, масулиятли фаолиятида янги муваффақиятлар тилайди.

"ЎЗ-Термиз" филиали жамоаси филиал ҳуқуқшунос **Хуррам ҚАРШИЕВ**ни кўтлуг 60 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга оилавий тотувлик, мустаҳкам соғлиқ ва узок умр тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали Нишон телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама иш юритувчиси **Момоҳол ҚАЙДАРОВ**ни муборак 50 ёши билан табриклайди. Унга узок умр, сўҳат-саломатлик тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Қўқон, Ўзбекистон тумани телекоммуникациялар боғламалари ходимлари **Аббосжон ТУРСУНОВ** ҳамда **Ҳасанбек РАҲИМОВ**ларни ва филиал ходими **Нўмонжон ҚАРИМОВ**ни 55 баҳорни қарши олаётганлари билан самимий табриклайди. Уларга соғлиқ, узок умр, фарзандлар роҳатини кўришликни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Учкўприк почта алоқаси тармоғи ходими **Азаматжон ҚОДИРОВ**ни 60 ёши, Кува почта алоқаси тармоғи ходими **Тойиржон ЕҚУБОВ**ни 55 ёши, Данғара ва Учкўприк почта алоқаси тармоқлари ходимлари **Ғуломжон ШЕРМАТОВ** ҳамда **Алижон МАМАДАЛИЕВ**ларни 50-баҳорни қарши олаётганлари билан чин дилдан кўтлайди. Уларга сўҳат-саломатлик, узок умр, фарзандлар бахт-иқболини кўришликни тилайди.

Робот-журналист

Америкалик олимлар кўчага чиқиб ўткинчилардан интервью оладиган робот-журналист яратдилар. Мухандис Александр Ребен уни Voxie андронди деб атади.

Ташқи кўриниши билан у, гарчи баланд бўлмаган бўйга ва катта кўзларга эга бўлса ҳам, одамларда кўрқув хиссини пайдо қилмайди. Бунинг устига, робот-журналистнинг корпуси картондан тайёрланган. Voxie ўзини қулай хис қилиши ва турли нохушлиқларга дуч келмаслиги учун Ребен унга махсус датчиклар ўрнатган.

Одамни кўриши заҳоти робот дарҳол унга саволлар беришни бошлайди. Шу боис муаллиф ўз ихтироси билан Wi-Fi орқали боғланади.

BU — QIZIQ!



Шахмат тарихидан...

- 600 йилда адабий-форсий кўлэзма "Каманук"да шатранж (шахмат) атамасидан фойдаланилган.
- 847 йили Ал-Адлий қаламга мансуб биринчи шахмат китоби ёзилди.
- 1512 йилда Италияда биринчи шахмат клуби ташкил этилди.
- 1836 йилда Парижда биринчи шахмат журнали "La Palamede" нашр қилинди.
- 1867 йил Париждаги турнирда биринчи механик шахмат соатидан фойдаланилди.
- 1897 йилда Лондонда хотин-қизлар ўртасида ўтказилган илк халқаро турнирда Мари Руж ролиб чиқди.
- 1905 йилда Остенддаги турнирда илк бор "гроссмейстер" ибораси ишлатилди.
- 1947 йилда А.Тюринг биринчи бор компьютер учун шахмат дастурини яратди.
- 1996 йилда "Deer Blue" компютери биринчи мартаба жаҳон чемпионини доёда колдирди.



Саволлар

География дарси. Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

— Қани, Жамшид, бизга Панама канали ҳақида гапириб бер-чи?
— Устоз, бизнинг телевизоримиз унақа каналда кўрсатув бермади-да!

Тарих дарси. Ўқитувчи: — Қани, болалар, менга гаройиб тасодиф ҳақида мисол келтиринг-чи.

Бир ўқувчи жавоб беришга шайланди.
— Устоз, менин отам билан онамининг тўйи бир кунда бўлган.

— Ғалим, имтиҳон яқин ўтдими? Саволлар қийин эмасмикан?

— Йўқ, саволлар жуда осон. Фақат, жавоби қийин экан.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳасан МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадожон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суван НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОҶОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятта келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикрларидан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўричилигига таҳририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиққади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-152 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адали: 18261 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 232-97-86 Нукусада 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термида 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Ургучда 226-37-16 Фарғонада 224-91-56 Қаршида 314-08-99